



## ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИНИНГ АХЛОҚҚА ҚАРШИ ХУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИНГ УМУМИЙ ПРОФИЛАКТИКАСИ ФАОЛИЯТИ

**Вахобжонов Дилмурод Дилшодбек ўғли**

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси Хуқуқбузарликлар  
профилактикаси фаолияти кафедраси ўқитувчиси, капитан

**Матниёзов Ҳиндолбек Зафаржон ўғли**

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси кундузги таълим  
Хуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти ихтисослиги бўйича  
таълим олаётган 3-ўқув курси 317-ўқув гуруҳи курсанти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.18723177>

**Аннотация:** Ушбу мақолада профилактика инспекторларининг ахлоққа қарши хуқуқбузарликларнинг умумий профилактикасини амалга ошириш йўллари, олимларнинг фикрлари, ахлоққа қарши хуқуқбузарликларнинг умумий профилактикасини амалга ошириш бўйича мулоҳазалар ҳақида сўз юритилади.

**Калит сўзлар:** профилактика инспектори, ахлоққа қарши хуқуқбузарликлар, умумий профилактика, жиноятчилик, хуқуқбузарликлар профилактикаси.

**Аннотация:** В данной статье рассматриваются пути осуществления общей профилактики правонарушений против нравственности инспекторами по профилактике, мнения ученых, мнения по осуществлению общей профилактики правонарушений против нравственности.

**Ключевые слова:** инспектор по профилактике, правонарушения против нравственности, общая профилактика, преступность, профилактика правонарушений.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда жамоат тартибини сақлаш ва фуқаролар ҳавфсизлигини таъминлаш бўйича қатор ислохотлар олиб борилмоқда. Олиб борилаётган амалий ишларнинг ягона мақсади эса бу жамоат тартибини сақлаш ва ҳавфсизликни таъминлаш, фуқароларнинг хуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, хуқуқбузарликлар профилактикасини самарадорлигини ошириш, қонун устуворлигини таъминлашдан иборат. Замонавий жамиятда ахлоққа қарши хуқуқбузарликларнинг олдини олиш муҳим масалалардан бири ҳисобланади. Бу хуқуқбузарликлар жамиятнинг маънавий-ахлоқий асосларига путур етказди, айниқса ёшлар ва оилаларга салбий таъсир кўрсатади. Ўзбекистон Республикасида хуқуқбузарликлар профилактикаси



тизими тубдан ислоҳ қилиниб, профилактика инспекторларининг фаолияти самарадорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ушбу мақола диссертация тадқиқоти доирасида профилактика инспекторининг ахлоққа қарши ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактикаси фаолиятининг назарий ва амалий жиҳатларини ўрганишга қаратилган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев “*Ҳеч қачон унутмайлик, дунёдаги ўтда ёнмайдиган, сувда чўкмайдиган энг катта бойлик бу – билим ва тарбиядир. Бу борада бой миллий анъаналаримиз асосида шаклланган ўзбекона тарбия билан бирга бизга яқин дўст ва хайрихоҳ бўлган давлатлардаги илғор ҳамда замонавий таълим тажрибаларидан оқилона фойдалансак, кўзлаган улуғ мақсадларимизга албатта етамиз*”<sup>1</sup> деб бежизга таъкидламаганлар.

Шу боис, жиноят содир этган шахсларни жамиятга қайта интеграция қилиш, уларни қайта жиноятга йўл қўймаслик учун профилактика тадбирларини самарали амалга ошириш зарурлиги кун тартибида турибди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2021 йил 29 октябрдаги “Маънавият ва маърифат — халқ тараққиётининг асоси” мавзусидаги маърузасида “*Маънавият ва маърифат — халқимиз тараққиётининг пойдевори ҳисобланади. Жамиятда ахлоқнинг юксалиши ва маънавий жиҳатдан баркамол авлодни тарбиялаш бугунги куннинг энг муҳим вазифаларидан биридир*”<sup>2</sup> деб такидлаган.

Ахлоқ — жамиятдаги ҳар бир аъзонинг ўзаро муносабатлари ва умумий турмуш тарзига йўналтирувчи асосий меъёр вақоидалар мажмуидир. Ахлоққа қарши ҳуқуқбузарликлар эса ушбу меъёрларнинг бузилиши билан боғлиқ бўлиб, улар жамиятда ижтимоий беқарорликни кучайтиради, маънавий инқирозга олиб келади ва ёш авлоднинг тарбиясига салбий таъсир кўрсатади.

Ахлоққа қарши қаратилган ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактикасини такомиллаштиришнинг долзарблиги жамиятда маънавий хавфсизликни таъминлаш зарурати, қонунчилик асосларини такомиллаштириш эҳтиёжи, президент ва давлат раҳбарияти томонидан маънавият сиёсатига катта эътибор берилаётгани билан муҳим аҳамият касб этади. 2024 йилда судларда қонун бўйича маъмурий

<sup>1</sup> “Энг катта бойлик - билим ва тарбия”. Президент табриги. <https://sputniknews.uz/20220502/eng-katta-boylik---bilim-va-tarbiya-prezident-tabrigi-24322649.html>.

<sup>2</sup> <https://president.uz/uz/lets/view/2021-10-29-ma-naviyat-va-ma-rifat>.



хуқуқбузарликларга доир ишларнинг умумий сони 613 миңдан ортиқ бўлган. Ушбу турдаги ишларда жалб қилинган шахслар сони 740 994 киши бўлган<sup>3</sup>. 2022 йилда Ички Ишлар Вазирлиги маълумотларига кўра республика бўйлаб рўйхатга олинган жиноятларнинг умумий сони 105 215 та бўлган<sup>4</sup>. Айниқса ахлоққа қарши хуқуқбузарликлар (масалан: фоҳишалик билан шуғулланиш, порнография, зўравонликни тарғиб қилиш) бўйича вужуддаги бозорлик ва назорат ҳужжатларидамазкур турдаги хуқуқбузарликларни профилактика қилиш учун қонунчиликда алоҳида пунктлар киритилган<sup>5</sup>.

Таниқли маърифатпарвар Абдулла Авлонийнинг “Тарбия биз учун ё ҳаёт - ё мамот, ё нажот - ё ҳалокат, ё саодат - ё фалокат масаласидир” деган чуқур маъноли сўзлари нақадар ҳақиқат эканини яхши англаймиз. Тарбия масалаларига эътиборсиз қаралган вазиятда юзага келадиган кўнгилсизликлар ҳам, у келтириб чиқарадиган зарарли оқибатлар ҳам барчамизга аён<sup>6</sup>.

**Хавфли гуруҳ** – ўзининг ғайриижтимоий хулқ-атвори туфайли ўзга шахсларга жинсий алоқа йўли орқали юқувчи касалликларни (ОИВ, захм, сўзак ва бошқалар) юқтириш хавфи юқори бўлган фоҳишалар, бесоқолбозлар ва таносил касаллигига чалинган шахслар;

**Ахлоққа қарши хуқуқбузарликлар профилактикаси** – Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси (кейинги ўринларда – МЖТК деб юритилади) 189, 189<sup>1</sup>, 190, 191–моддаларида ва Жиноят кодекси (кейинги ўринларда – ЖК деб юритилади) 128, 129, 130, 130<sup>1</sup>, 131 ва 278–моддаларида назарда тутилган хуқуқбузарликларни аниқлаш, уларга барҳам бериш, шунингдек мазкур хуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, бартараф этиш мақсадида қўлланиладиган хуқуқбузарликларнинг умумий, махсус, якка тартибдаги ва виктимологик профилактикаси тизими<sup>7</sup>.

Ўзбекистон Республикасининг «Хуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги 2014 йил 14 май қонуни ўзига хос ўринга эга бўлиб, у хуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги муносабатларни комплекс жиҳатдан тартибга солувчи хуқуқий асос ҳисобланади. Ушбу қонуннинг 3-

<sup>3</sup>[https://kun.uz/kr/news/2025/03/24/100-mingga-yaqinlashgan-mamuriy-qamoq-5-barobar-oshgan-deportatsiya-ozbekistonda-huquqbuzarliklar-statistikasi?utm\\_source=chatgpt.com](https://kun.uz/kr/news/2025/03/24/100-mingga-yaqinlashgan-mamuriy-qamoq-5-barobar-oshgan-deportatsiya-ozbekistonda-huquqbuzarliklar-statistikasi?utm_source=chatgpt.com).

<sup>4</sup> [https://moiti.uz/uz/press-center/news/394?utm\\_source=chatgpt.com](https://moiti.uz/uz/press-center/news/394?utm_source=chatgpt.com).

<sup>5</sup> [https://sudacademy.uz/uploads/abstracts/4d6cb62902ef48a718a7c6e99c510272.pdf?utm\\_source=chatgpt.com](https://sudacademy.uz/uploads/abstracts/4d6cb62902ef48a718a7c6e99c510272.pdf?utm_source=chatgpt.com).

<sup>6</sup> <http://old.muslim.uz/index.php/maqolalar/item/1984>.

<sup>7</sup> <https://regulation.gov.uz/uz/d/64767>.



боб 22-моддасида ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактикаси ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширувчи ҳамда унда иштирок этувчи органлар ва муассасаларнинг ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, бартараф этиш бўйича фаолияти ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактикасидир.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисидаги қонуннинг 23-моддасида ҳуқуқбузарликлар умумий профилактикасининг чора-тадбирлари белгиланган. Булар қуйидагилардир.

- ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир давлат дастурларини ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш;

- аҳоли ўртасидаги ҳуқуқий тарғибот;

- ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, бартараф этиш ҳамда ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисида тақдимномалар киритиш.

Ахлоққа қарши ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш соҳасида:

ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмаларининг ушбу йўналишдаги фаолиятини ташкил этиш ва назорат қилиш ҳамда уларнинг фаолияти натижаларини умумлаштириш ва уларга амалий – услубий ёрдам кўрсатиш;

мазкур йўналишдаги ишларнинг самарадорлигини оширишга қаратилган чоралик режаларни ва чора–тадбирларни ишлаб чиқиш ҳамда амалиётга татбиқ этилишида амалий ёрдам кўрсатиш;

таҳлиллар асосида жинсий эркинлик ва ахлоққа қарши ҳуқуқбузарликларни аниқлашга, уларнинг содир этилишига имкон бераётган сабаблар ва шарт–шароитларни бартараф этишга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш бўйича таклифлар киритиш;

ахлоққа қарши ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишда йўл қўйилган камчиликларнинг муҳокамаларида иштирок этиш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, давлат, нодавлат ва жамоат ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш чораларини кўриш;

маҳаллаларда, таълим муассасаларида, корхона ва ташкилотларда ахлоққа қарши ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасига доир ҳуқуқий



мавзуларда тарғибот–ташвиқот ишларини олиб бориш;  
ахлоққа қарши ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш борасида давлат, вазирлик ва идоралар дастурларига таклифлар киритиш;  
ахлоққа қарши ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси бўйича хорижий ва жойлардаги илғор тажрибаларни иш фаолиятга тадбиқ этиш ва оммалаштириш чораларини кўриш;  
амалга оширилган ишларнинг оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилишини ташкил этиш.

Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 2017 йил 12-июлдаги “Ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисида”ги 151-сон буйруғининг 8-параграфида Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмаларининг ахлоққа қарши ҳуқуқбузарликлар профилактикасини ташкил этиш фаолияти белгиланган<sup>8</sup>.

Ушбу низомда ахлоққа қарши ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг асосий мақсади ушбу ҳуқуқбузарликларнинг умумий, махсус, яқка тартибдаги ва виктимологик профилактикасини самарали ташкил этиш, мазкур ҳуқуқбузарликларнинг содир этилишига имкон бераётган сабаблар ва шарт-шароитларни аниқлаш ҳамда уларни бартараф этиш чораларини кўриш, ушбу ҳуқуқбузарликларни содир этган (содир этишга мойил бўлган) шахсларни аниқлаш ва улар билан профилактик ишларни тизимли равишда олиб борилишини таъминлашдан иборат.

Ушбу низомда ахлоққа қарши ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолиятини ташкил этиш ва мувофиқлаштириш Бош бошқарма бошлиғининг фармойиши билан профилактика инспекторлари фаолиятини назорат қилиш бўлимининг бир нафар муҳим топшириқлар бўйича инспектори ва бир нафар катта инспектори томонидан амалга оширилади.

Ушбу низомда Қорақалпоғистон Республикаси ички ишлар вазири, Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси ва вилоятлар ички ишлар бошқармалари бошлиқларининг фармойиши билан ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бошқармаси, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолиятини ташкил этиш бўлимининг бир нафар ходими ҳамда ТШ ИИБ ҲПБларида ички имкониятдан фойдаланган ҳолда алоҳида ажратилган

<sup>8</sup> Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 2017 йил 12-июлдаги “Ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисида”ги 151-сон буйруғи



ходимлар томонидан туманлараро ҳудудларда ахлоққа қарши ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти ташкил этилади ва мувофиқлаштириб борилади.

Низомда Ички ишлар органларининг таянч пунктлари хизмат кўрсатадиган маъмурий ҳудудларда ахлоққа қарши ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти ТШ ИИБ ҲПБ масъул ходимлари томонидан профилактика инспекторлари билан ҳамкорликда амалга оширилади ҳамда бу борада амалга оширилган ишлар ҳар ой якунида ТШ ИИБ ҲПБ бошлиқларига тақдим этиб борилади<sup>9</sup>.

Ахлоққа қарши ҳуқуқбузарликлар профилактикасини ташкил этиш ва мувофиқлаштириш фаолиятини амалга оширишнинг ўзига хос хусусиятларидан, ушбу ҳуқуқбузарликларни аниқлаш ва исбот қилишнинг мураккаблигидан келиб чиққан ҳолда мазкур фаолиятни амалга оширадиган масъул ходимлар фуқаролик кийимида хизматни ўтайди.

Ахлоққа қарши ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолиятини ташкил этиш ва мувофиқлаштиришга масъул ходимларга қуйидаги вазифалар юкланади:

- ✓ профилактика инспекторларига мазкур йўналишдаги фаолиятини амалга ошириш, таҳлил қилиш, умумлаштириш борасидаги ишларига амалий-услубий ёрдам кўрсатиш;
- ✓ таҳлиллар асосида ахлоққа қарши ҳуқуқбузарликларни аниқлашга, уларнинг содир этилишига имкон бераётган сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф қилишга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш бўйича таклифлар киритиш;
- ✓ ахлоққа қарши ҳуқуқбузарликлар профилактикасини ташкил этишда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, давлат, нодавлат ва жамоат ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш чораларини кўриш;
- ✓ қонун ҳужжатларига мувофиқ тезкор-профилактик тадбирларни белгилаш ҳамда соҳавий хизматлар билан ҳамкорликда амалга ошириш;
- ✓ хавfli гуруҳга мансуб бўлган шахсларнинг ҳисобини юритиш;
- ✓ аҳоли ўртасида ахлоқий-маънавий бузуқликни тарғиб этувчи, зўравонлик ва шафқатсизликка ўргатувчи, кенг омманинг фикрини заҳарловчи барча омилларни ўрганиш, уларнинг манбаларини,

<sup>9</sup> Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 2017 йил 12-июлдаги “Ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисида”ги 151-сон буйруғи



кимлар томонидан ва қаерларда тарқатилаётганлигини аниқлаш, бундай ҳолатларнинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар кўриш;

- ✓ криминоген ва «хавfli гуруҳ»га мансуб шахслар кўпроқ тўпланадиган жойларда, тунги кўнгилочар муассасаларда, кафе, барларда, ресторан ва бошқа жойларда махсус (бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идорлар ҳамда манфаатдор ташкилотлар билан ҳамкорликда) тадбирлар ўтказиш, аниқланган қонун бузилиши ҳолатлари бўйича терговга қадар текширув натижаларига кўра тўпланган ҳужжатларни тегишлилиги бўйича терговга ёки манфаатдор идораларга юбориш;

Ички ишлар органлари томонидан ҳуқуқбузарликларнинг ахлоққа қарши умумий профилактикасини амалга ошириш тартиби. Ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактикасини амалга ошириш юзасидан вазирликда идоравий дастур ишлаб чиқилиб, тасдиқланади ҳамда ижро этиш учун ҳудудий ички ишлар органларига юбо рилади, бу борада давлат дастури тасдиқланганида унинг ижросини таъминлаш мақсадида идоравий дастур ишлаб чиқилиши ҳамда ишлаб чиқилган дастурлар ижро учун ҳудудий ички ишлар органларига юборилиши мумкин. Ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактикаси юзасидан ва зирликнинг идоравий дастури асосида соҳавий хизматлар ҳамда жойлардаги ички ишлар органлари ҳам ўз дастурларини ишлаб чиқишлари мумкин. Тасдиқланган дастурлар ижросини таъминлаш мақсадида ички ишлар органларида ишчи гуруҳлар ташкил этилиши мумкин. Ишчи гуруҳлар дастурда белгиланган тадбирлар ижросини мониторинг қилиб боради ва натижаларини таҳлил қилади, шунингдек ижросини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ҳамда ҳисоботлар тайёрлайди. Ички ишлар органлари ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактикасини оммавий ахборот воситаларида чиқишлар қилиш, конференция, давра суҳбатлари, илмий-амалий семинарлар ва учрашувлар ташкил этиш, аҳоли гавжум жойларда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси мазмунига эга бўлган плакатлар, эълонлар ўрнатиш, видео роликлар намойиш қилиш, огоҳликка чақирувчи овозли матнни эшитириш каби профилактик чора-тадбирлар асосида амалга оширади.

Ички ишлар органлари профилактика инспекторлари ахлоққа қарши ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактикаси доирасида аҳоли ўртасида оммавий ахборот воситаларида чиқишлар қилиш, жойларда



маърузалар ўқиш, давра суҳбати, учрашувлар ташкил этиш, аҳоли гавжум жойларда ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир плакатлар, эълонлар жойлаштириш, видео роликлар намоиш қилиш, огоҳликка чақирувчи овозли матнни эшиттириш каби профилактик чора-тадбирларни амалга ошириш орқали ташкил этади.

Ахлоққа қарши ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг асосий мақсади ушбу ҳуқуқбузарликларнинг умумий, махсус, якка тартибдаги ва виктимологик профилактикасини самарали ташкил этиш, мазкур ҳуқуқбузарликларнинг содир этилишига имкон бераётган сабаблар ва шарт-шароитларни аниқлаш ҳамда уларни бартараф этиш чораларини кўриш, ушбу ҳуқуқбузарликларни содир этган (содир этишга мойил бўлган) шахсларни аниқлаш ва улар билан профилактик ишларни тизимли равишда олиб борилишини таъминлашдан иборат.

Хулоса ўрнида шуни айтиш жоизки, профилактика инспекторининг ахлоққа қарши ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактикаси фаолияти жамиятнинг маънавий барқарорлигини таъминлашда муҳим ўрин тутаяди. Қонунчилик ислоҳотлари ва амалий чоралар орқали фаолиятни такомиллаштириш ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш самарадорлигини оширади. Ички ишлар органлари профилактика инспекторлари ахлоққа қарши умумий профилактиканинг чора-тадбирларининг хар бирини қонунда белгиланган тартибда тўғри ташкил этиши бу фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишни самарали амалга ошириш имконини беради. Ахлоққа қарши ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактикасини амалга ошириш фуқароларнинг одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этадиган жамият шаклланишига олиб келади. Ахлоққа қарши ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактикаси фаолияти ушбу масалаларни чуқур ўрганиш келгусида янги механизмларни ишлаб чиқишга имкон беради..

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. "Энг катта бойлик - билим ва тарбия". Президент табриги. <https://sputniknews.uz/20220502/eng-katta-boylik---bilim-va-tarbiya-prezident-tabrigi-24322649.html>.
2. <https://president.uz/uz/lists/view/2021-10-29-ma-naviyat-va-ma-rifat>.
3. [https://kun.uz/kr/news/2025/03/24/100-mingga-yaqinlashgan-mamuriy-qamoq-5-barobar-oshgan-deportatsiya-ozbekistonda-huquqbuzarliklar-statistikasi?utm\\_source=chatgpt.com](https://kun.uz/kr/news/2025/03/24/100-mingga-yaqinlashgan-mamuriy-qamoq-5-barobar-oshgan-deportatsiya-ozbekistonda-huquqbuzarliklar-statistikasi?utm_source=chatgpt.com).



4. [https://moiti.uz/uz/press-center/news/394?utm\\_source=chatgpt.com](https://moiti.uz/uz/press-center/news/394?utm_source=chatgpt.com).
5. [https://sudacademy.uz/uploads/abstracts/4d6cb62902ef48a718a7c6e99c510272.pdf?utm\\_source=chatgpt.com](https://sudacademy.uz/uploads/abstracts/4d6cb62902ef48a718a7c6e99c510272.pdf?utm_source=chatgpt.com).
6. <http://old.muslim.uz/index.php/maqolalar/item/1984>.
7. <https://regulation.gov.uz/uz/d/64767>.
8. Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 2017 йил 12-июлдаги “Ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисида”ги 151-сон буйруғи.
9. Атажанов Ў. М. и др. ҳуқуқбузарликлар профилактикаси хизматлари томонидан профилактик чора-тадбирларини амалга ошириш механизмларини такомиллаштириш //Новости образования: исследование в XXI веке. – 2025. – Т. 4. – №. 40. – С. 10-17.
10. Нарзиев, Ш. З. (2025). илгари судланган шахслар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикасини амалга оширишнинг ўзига хос хусусиятлари. Tadqiqotlar, 64(4), 69-72.
11. Мустофақулов Б. А. Ў., Жумаев С. Ж. Ў. профилактика инспекторининг сурункали ичкиликбозлик ва гиёҳвандликка ружу қўйган шахслар билан ишлаш бўйича профилактикасини такомиллаштириш //Central Asian Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies. – 2025. – Т. 2. – №. 4. – С. 140-146.
12. Мустофақулов Б. А. Ў., Шодмонов Д. Э. Ў. профилактика инспекторининг патрул-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш бўлинмалари билан ўзаро ҳамкорлигини такомиллаштириш //Central Asian Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies. – 2025. – Т. 2. – №. 4. – С. 47-51.
13. Мустофақулов Б. А. Ў., Эшонқулов Ё. Х. Ў. ҳуқуқбузарликлар профилактикаси хизматининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш фаолиятини такомиллаштириш //Central Asian Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies. – 2025. – Т. 2. – №. 4. – С. 126-132.
14. Мустофақулов Б. А. Ў., Фозилов Х. Х. Ў. профилактика инспекторининг маъмурий ҳудуддаги ғайриижтимоий хулқ-атворга эга бўлган шахслар билан ишлаш фаолиятини такомиллаштириш //Central Asian Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies. – 2025. – Т. 2. – №. 5. – С. 32-36.